

ЎЗБЕК ВА ИНГЛИЗ МАҚОЛЛАРИДА “ВАТАН” ВА “HOMELAND» КОНЦЕПТИНИНГ ИФОДАЛАНИШИ

Адиба Хуснуддиновна Файзиева

Тошкент Давлат Шарқшунослик Университети,

Ғарб тиллар кафедраси ўқитувчиси

adibafayziyeva@gmail.com

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақола ўзбек ва инглиз тилларида “ватан” ва “homeland» концепти ва уларнинг синонимларни мақолларда акс этиши мавзусига бағишланган бўлиб, ўзбек ва инглиз тилларидаги “Ватан” лексемасининг мавжуд таърифларини аниқлаш учун мақоланинг бошланғич нуқтаси сифатида ўзбек ва инглиз тилларининг лексикографик манбаларига мурожаат қилиниб, таҳлилга тортилди, ўзбек ва инглиз тилларидаги мақолларда “ватан” ва “homeland” концептининг синонимик қаторлари аниқланди. Буни амалга ошириш мақсадида “ватан” ҳақидаги жами 147 та мақол таҳлил қилиниб, улардан 115 таси ўзбек ва 32 таси инглиз мақолларидир.

Калим сўзлар. *Киши тугилиб ўсган юрт, мамлакат, диёр, ўлка, маскан, уй, homeland, fatherland, mother country, motherland, native country, native land, native soil; home, birthplace.*

EXPRESSION OF THE CONCEPT OF "BATAH" AND "HOMELAND" IN UZBEK AND ENGLISH PROVERBS

ABSTRACT

This article was devoted to the topic of the concept of "Batah" and "homeland" in Uzbek and English and their representation of synonyms in Proverbs, and to

determine the existing definitions of the lexeme "homeland" in Uzbek and English, lexicographic sources of Uzbek and English were referenced and analyzed as the starting point of the article, in Proverbs in Uzbek and English the synonymic series In order to do this, a total of 147 proverbs about the "homeland" are analyzed, of which 115 are Uzbek and 32 are English proverbs.

Keywords: *Kiishi tugilib ўсган юрт, мамлакат, диёр, ўлка, маскан, уй, homeland, fatherland, mother country, motherland, native country, native land, native soil; home, birthplace.*

Кириш

Замонавий лингвистик тадқиқотларда асосий ёндашувлардан бири бу антропоцентрик ёндашув бўлиб, у нафақат тилни, балки унинг маҳаллий халқ маданияти ва менталитети билан алоқасини ҳам ўрганиш имконини беради. Бу иш миллий тил тушунчаси соҳасида умуминсоний бўлган "Ватан" концептини ўрганишга бағишланган бўлиб, бу концепт универсал характерга эга бўлишига қарамай, у миллий ўзига хос хусусиятларга эга. "Ватан" концепти тилшунослар томонидан ҳам алоҳида тил манзараси ¹, ҳам бир қанча тиллар ² билан солиштириш орқали ўрганилган.

Ушбу ишнинг янгилиги ўзбек ва инглиз тилларидаги мақолларда "ватан" ва "homeland" концептининг синонимик қаторларни аниқлашдир. Ўзбек ва инглиз мақолларида ватан концептининг вербализациясини ўрганиш оламнинг тил манзарасининг баъзи миллий хусусиятларини аниқлашга имкон туғдириб, маданиятлараро мулоқотни ривожлантиришга ёрдам беради ва бу ушбу тадқиқотнинг долзарблигини исботлайди. Тиллардаги миллий ўзига хос

¹ Баско Н.В. Русские пословицы и поговорки о родине как отражение национальной ментальности (лингвистический и методический аспекты) [Электронный ресурс] / Н.В. Баско // Вестник Новгородского государственного университета. – 2014. – №77. – URL: <https://portal.novsu.ru/file/1092845>; Головня А.И. (Беларусь), Фан Миньюй (Китай) Реализация концептов родина, чужбина в русском и китайском языках//<https://elib.beu.by.>bitstream>

² Алиева С.А. Репрезентация концепта «родина» в арабских и кумыкских паремиях. [Электронный ресурс] / С.А. Алиева, А.С. Зурхаева А.С. // Международный научно-исследовательский журнал. – 2021. – №6. – URL: <https://research-journal.org/wp-content/uploads/2021/06/6-108-5.pdf#page=137>; Ибрагимова М.О. Специфика паремий, вербализующих концепт "Родина", в рутульской и русской концептосферах. / М.О. Ибрагимова // Язык и текст. – 2019. – 1. – с. 57-61.

концептларни аниқлашнинг энг самарали усули бу концептни тиллараро қиёслашдир.

Паремиялар халқ менталитетининг маданий анъаналарини сақлайди, “улар маълум бир лингвистик жамият ҳаётининг лаҳзаларини акс эттиради”¹.

Тадқиқот материали сифатида луғат² ва мақоллар тўпламларида³ ва интернет ресурсларида келтирилган ўзбек ва инглиз мақоллари ташкил этади⁴. Жами “Ватан” ҳақидаги 147 та мақол таҳлил қилинган бўлиб, улардан 115 таси ўзбек ва 32 таси инглиз мақолларидир. Ҳар бир тилдаги мақоллар сони оламнинг лингвистик манзарасидаги тушунчанинг аҳамиятини акс эттириши мумкин.

Етакчи тадқиқот усуллари сифатида қиёсий, тавсифий, узлуксиз танлаб олиш усули, концептуал таҳлил усули, лингвокултурологик усул ва луғат таърифларини таҳлил қилиш методларидан фойдаланилган.

НАТИЖАЛАР

Мақоллар халқнинг маданий-тарихий хусусиятларини, дунёнинг лингвистик тасвирини ўрганиш учун ажралмас манбадир. Ўзбек ва инглиз тилларида она тилида сўзлашувчилар онгида “Ватан” концепти маданий жиҳатдан ўзига хос бўлиб, “Ватан” концептини идрок этиш ва унга бўлган муносабатдаги фарқ ва ўхшашликларни акс эттиради. Биз “Ватан” лексемасининг мавжуд таърифларини аниқлаш учун мақоланинг бошланғич нуқтаси сифатида ўзбек ва инглиз тилларининг лексикографик манбаларига мурожаат қилдик⁵.

¹ Галимова Э.Н. Лексико-семантическое поле понятия «родина» в русской паремии [Электронный ресурс] / Э.Н. Галимова // Лесосибирский педагогический институт . – 2016. – URL: http://www.rusnauka.com/7_NITSB_2014/Philologia/7_160906.doc.htm

² Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Икки жилдли. З.М.Маъруфов таҳрири остида. Москва. “Рус тили” нашриёти. 1981; Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Беш жилдли. А.Мадвалиев таҳрири остида. Тошкент. “Ўзбекситон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти. 2006-2008.

³ Ўзбек халқ мақоллари. Иккинчи нашр. ЎзССР Давлат бадиий адабиёт ашриёти. Тошкент. 1960; Ўзбек халқ мақоллари. Тошкент. Ғофур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 1969; O'zbek xalq maqollari. Tuzuvchilar: T. Mirzaev, A. Musoqulov, B. Sarimsoqov. Mas'ul muharrir. Sh. Turdimatov. Toshkent. «Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik korapaniyasi Bosh tahririyati, 2005.

⁴ Cambridge Dictionary. [Electronic resource] / URL: <https://dictionary.cambridge.org/dictionary/english/motherland>

⁵ Dictionary of English Language and Culture. Edinburgh: Pearson Education Limited, 2005. 1621 p.

Изоҳли луғатларда ватан сўзи қуйидагича баён этилган: Ватан (арабча وطن – туғилган жой, юрт, она ватан маънасини англатади ¹⁾ – 1. Киши туғилиб ўсган ва ўзини унинг фуқароси ҳисоблаган мамлакат, она юрт. 2. Кишининг туғилиб ўсган ўлкаси, шаҳри ёки қишлоғи, юрт, диёр. 3. Турар жой, бошпана, маскан, уй²

Ватан – 1. Кишининг туғилиб ўсган ўлкаси, шаҳри ёки қишлоғи, юрт, диёр. 2. Киши туғилиб ўсган ва ўзини унинг фуқароси ҳисоблаган мамлакат, она юрт. 3. Турар жой, бошпана, маскан, уй. 4. Ўсимлик ва шу қабиларнинг асли келиб чиқишини билдиради³.

Шуни ҳам айтиб ўтиш жоизки, мавжуд ўзбек тилининг изоҳли луғатларида юқорида келтирилган ватан сўзи синонимлари орасида “эл” сўзини учратмадик, ваҳоланки, ўзбек тилидаги мақолларнинг кўпчилигида “эл” сўзи ҳам ватан сўзига синоним сифатида қўлланилган. Изоҳли луғатларда “эл” сўзининг қуйидаги синонимлари келтирилган: Эл (туркий сўз бўлиб, маълум юртда биргаликда яшовчи аҳоли, юрт маъносини билдиради ⁴⁾ – 1. Бир жойнинг одамлари, аҳолиси, халқи. 2. Бир қабилага мансуб одамлар; қабила. 3. Юрт, диёр, мамлакат⁵.

Охириги ўзбек тилининг изоҳли луғатида “эл” сўзи худди шундай таърифланади: Эл – 1. Бир жойнинг одамлари, аҳолиси, халқи; умуман, кўпчилик одам, халойиқ, ҳамма. 2. Бир юртга, қабилага мансуб одамлар; миллат, халқ. 3. Юрт, диёр, мамлакат⁶.

Демак, “Ватан” концептига берилган таърифни таҳлил қилиб, шундай хулосага келамиз: 1) она юрт, инсон туғилган, этнос туғилган жой; 2) бирор нарсанинг келиб чиқиши ёки ихтиро қилинган жойи.

¹ Баранов Х.К. Арабско-русский словарь. “Русский язык”. Москва. 1976. – С.:897.

² Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Биринчи жилд. З.М.Маъруфов таҳрири остида. Москва. “Рус тили” нашриёти. 1981. –Б.: 173.

³ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Биринчи жилд. А.Мадвалиев таҳрири остида. Тошкент. “Ўзбекситон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти. 2006-2008. –Б.: 444.

⁴ Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилининг этимологик луғати (туркий сўздар). 1-жилд. Тошкент. «Университети. 2000. –Б.: 461.

⁵ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Иккинчи жилд. З.М.Маъруфов таҳрири остида. Москва. “Рус тили” нашриёти. 1981. –Б.: 442.

⁶ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Бешинчи жилд. А.Мадвалиев таҳрири остида. Тошкент. “Ўзбекситон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти. 2006-2008. –Б.: 29

МУҲОКАМА

Ўзбек тилидаги 147та мақолларни таҳлил қилиб, шунга амин бўлдики, мақолларда “Ватан” сўзининг барча синонимлари ҳам иштирок этмаган. Бу мақолларда ватан, эл, юрт, ёки она юрт каби синонимлар устунлик қилади. Масалан, дастлаб “ватан” сўзи ишлатилган мақолларга эътибор қаратайлик:

Булбул чаманни севар, одам — Ватанни.

Ватани борнинг бахти бор, меҳнати борнинг — тахти.

Ватансиз инсон — куйсиз булбул.

Душманга нафрати бўлмаганнинг ватанга муҳаббати бўлмас¹.

“Эл” сўзи ишлатилган мақоллар:

Эл бор бўлса, эр хор бўлмас, эр бор бўлса, эл хор бўлмас.

Эл ишини эр қилур, эр қадрини эл билур.

Элга қўшилганнинг кўнгли тўқ, элдан ажралганнинг бети йўқ.

Элинг сенга чўзса қўл, унга доим содиқ бўл².

“Юрт” сўзи ишлатилган мақоллар:

Бировнинг юртида бек бўлгунча, ўзингнинг юртингда ит бўл.

Киши юртида шоҳ бўлгунча, ўз юртингда гадо бўл.

Туғилган ердан кўнгили узилмас, юрт кўриганнинг юрти бузилмас³.

“Она юрт” ва “она ер (тупроқ)” сўзлари ишлатилган мақоллар:

Она юртинг — олтин бешигинг.

Она ернинг тупроғи — она сугидан азиз⁴.

Шуни айтиб ўтиш лозимки, ватан мавзусига бағишланган 147та мақол орасидан фақат битта “қишлоқ”, лекин шунда ҳам “овул” сўзи қўлланилган – Айланаси овули, тўғараги тўр кунни – мақолини ҳамда “уй” сўзи ишлатилган – Ўз уйим – ўлан тўшагим – мақолини учратдик. Яна шуни ҳам айтиб ўтиш жоизки, “эл”, “юрт” ва “она юрт” каби сўзлар асли туркий сўзлар бўлганлиги ва ўзбек

¹ O'zbek xalq maqollari. Tuzuvchilar: T. Mirzaev, A. Musoqulov, B. Sarimsoqov. Mas'ul muharrir. Sh. Turdimatov. Toshkent. «Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik korpaniyasi Bosh tahririyati, 2005. –Б.: 12-13.

² Ўша ерда, -Б.: 15-16.

³ Ўша ерда, -Б.: 14.

⁴ Ўша ерда, -Б.: 14.

тилининг мақоллари эса, қадим замондан фольклор дурдоналари ҳисобланиб, халқ оғзаки ижодидан кенг ўрин эгаллаганлиги сабабли, уларда ватан сўзига нисбатан эл, юрт, ва она юрт сўзлари иштирок этган мақоллар устунлик қилади.

Бундан ташқари, “ватан” концептинининг антонимларини ҳам эътиборсиз қолдириб бўлмайди, чунки “ўзиники – бегона”, “ўз юртинг – ўзга юрт” мухолифати – бу ўзбек ва инглиз тилида сўзлашувчи шахсларнинг маънавий оламининг асосий концептлари – “ўз дунёсининг қиёфаси”, ўз она юрти ва тасвири ўртасидаги муносабатларни акс эттирувчи универсал схема бўлиб, унга номаълум, бегона макон, тупроқ, ер, юрт қарама-қарши қўйилади. Шундай мазмундаги мақолларга қуйидагилар мисол бўла олади:

Тўйган ердан тукқан ер яхши.

Киши ерида султон бўлгунча, ўз элингда чўпон бўл.

Ўлсанг ўл, ватанингда бўл¹.

Биздаги мавжуд мақол тўпламларида ҳозирча мамлакат, ўлка, маскан, бошпана, диёр, шаҳар каби ватан сўзи синонимлари ишлатилган мақолларни учратмадик.

Энди инглиз тилидаги “homeland” сўзи ҳақида сўз юритадиган бўлсак, The Oxford Russian Dictionary² ва Chambers Dictionary of Synonyms and Antonyms машҳур луғатларда³ ватан сўзининг қуйидаги синонимларини учратамиз: native land, motherland, fatherland; native country, mother country; home, homeland; birthplace; native soil.

Collins English Dictionary and Thesaurus луғатида қуйидаги синонимлар келтирилган: fatherland, homeland, land of one’s birth, land of one’s fathers, motherland, native land, old country; homeland, native land, country of origin, fatherland, mother country, motherland⁴.

¹ Ўша ерда. –Б.: 12-15.

² The Oxford Russian Dictionary. Oxford-NY: Oxford UP, 1997. 60, 362, 387, 395 p.

³ Большой русско-английский словарь / Под общ. рук. А. И. Смирницкого. М., 2001. –С.:554; Новый русско-английский словарь / Сост. В. К. Мюллер. М., 2005. –С.: 440; Косогова Л. И., Стам И. С. Русско-английский учебный словарь. М., 2005. –С.: 599.

⁴ Collins English Dictionary and Thesaurus. Aylesbury: HarperCollins Publishers, 2000. 431, 564 p.

Кўриб турганимиздек, инглиз тилида “ватан” концептининг синонимлари мўл, лекин шуни айтиб ўтиш лозимки, инглиз лексикографиясида “ватан” концептининг ифодали воситаларининг синонимик доираси бор-йўғи тўртта бирлик билан ифодаланади: fatherland, homeland, mother country и motherland. Масалан, fatherland фақат анча катта ҳажмли луғатларда учрайди ва the place where someone or their family was born¹, the country where a person, or their family, was born², the country of one’s birth or family origin³ a person’s native land or, sometimes, the land of his ancestors⁴ ва ҳоказолар.

Homeland сўзи деярли барча ўрганилган луғатларда мавжуд ва 1) the country where someone/you/person was born/comes from⁵, one’s native country/land⁶; 2) a region created or considered by or for a people of a particular ethnic origin⁷ chief place of residence; region in which one’s home is located⁸, a state, region, or territory that is closely identified with a particular people or ethnic group⁹ сифатида таърифланган. Homeland ёзма, китобий услубга мансублиги қайд этилган (mainly used in written English¹⁰).

Mother country ва motherland барча ўрганилган луғатларда аниқ белгиланмаган: улар Cambridge Learner’s Dictionary (2001) ва бошқа бир қанча луғатларда бу сўз йўқ. Mother country Webster’s New Collegiate Dictionary Springfield, Massachusetts: Merriam-Webster луғатида, motherland эса Active Study Dictionary of English (1983) луғатида йўқ. Бу сўзлар баъзи луғатларда турли жойларда келса-да, у бутунлай homeland сўзининг синоними сифатида талқин

¹ Macmillan English Dictionary for Advanced Learners. Macmillan Publishers Limited, 2002. 508 p..

² Longman Advanced American Dictionary. Edingburgh Gate, Harlow: Pearson Education Ltd., 2000. 461 p.

³ Longman Dictionary of American English. NY: Longman, 1997. 470 p.

⁴ Webster’s New World Dictionary of the English Language. NY: Simon &Schuster, 1995. 509 p.

⁵ Macmillan English Dictionary for Advanced Learners. Macmillan Publishers Limited, 2002. 687 p; Cambridge Learner’s Dictionary. Cambridge UP, 2001. 684 p.

⁶ Active Study Dictionary of English. L.: Longman, 1983. 292 p.; Webster’s New World Dictionary of the English Language. NY: Simon &Schuster, 1995. 914 p.; Webster’s New World Dictionary of the English Language. NY: Simon &Schuster, 1995. 547 p.; (The) American Heritage Dictionary of English Language. Houghton Mifflin Company, 1992. Electronic version.

⁷ Webster’s New World Dictionary of the English Language. NY: Simon &Schuster, 1995. 914 p.

⁸ Webster’s Third New International Dictionary of the English Language Unabridged. Cologne: Könnemann, 1993. 1083 p.

⁹ (The) American Heritage Dictionary of English Language. Houghton Mifflin Company, 1992. Electronic version.

¹⁰ Collins Cobuild English Dictionary. L.: Harper-Collins Publishers, 1995. 807 p.

этилган: the country where you or your family were born and which you feel a strong emotional connection with¹.

Бирок, кундалик, сўзлашув инглиз нутқида бу сўзлар амалда қўлланилмайди. **Motherland** лексемаси Ўзбекистондаги “Ватан” лексемаси каби чуқур маънога эга эмас, **fatherland** сўзи эса герман халқлари тарихидаги алоҳида давр билан кўпроқ боғлиқ. Энг нейтрал лексема **homeland** лексемаси инглиз тилида келиб чиққан “мамлакат” маъносини билдиради (бу сўзлар “land” – “ер” лексемасидан ташкил топган бўлиб, бу сўзлар “она юрт” (native land) архетипи билан боғлиқдир). Инглизлар учун “Ватан” сўзи унчалик муҳим аҳамиятга эга бўлмай, fatherland, homeland, motherland сўзлари тилда сунъий равишда мавжуд бўлиб, мақолларда бу сўзларни деярли учратмаймиз. Лекин “motherland” сўзи ишлатилган қуйидаги мақолларни келтириш мумкин:

To live is to serve the Motherland.

A man without a Motherland is like a Nightingale without a song.

Инглизларнинг маданияти учун “Ватан” тушунчаси ўрнини “уй” тушунчаси эгаллаганлиги сабабли “homeland”, “motherland” ёки “fatherland” лексемаларининг ўрнида “home” лексемаси учрайди. Масалан,

Home is where the heart is.

A bad bird is that that stains its own nest.

The wider we roam, the welcomer home.

A man’s house is his castle.

The wider we roam, the welcomer home.

Home is home though it’s never so homely.

It’s an ill bird that fouls its own nest.

Шуни айтиб ўтиш жоизки, инглиз тилида one’s country тушунчаси синонимларига кўпроқ “бой” (god’s country, birthplace, country of origin, home, native soil, old country, old world, terra firma, the old country) бўлиб, биринчидан, ўзбек тилидаги “ватан” концептига нисбатан анча кенг кўламда, иккинчидан, у

¹ Cambridge Dictionary of American English. Cambridge UP, 2000. 828 p.

кўшимча, периферик маънолардан холи. Инглиз тилига хос ҳис-туйғулар ва ҳаяжонларни ифодалашнинг чекланганлиги туфайли муаллифлар ўз она юртларини тасвирлашда кўпинча “one’s country”ни ишлатадилар, бу таржима жараёнида танланган тил эквивалентларининг хилма-хиллигига таъсир қилмайди. Масалан,

You can take the boy out of the country, but you can’t take the country out of the boy.

A prophet is not without honour save in his own country.

Шундай қилиб, ўзбек ва инглиз тилларида “ватан” ва “homeland» концептини ўзбек ва инглиз тилларидаги лексикологик манбалар ва уларнинг синонимларни мақолларда акс этишини ўрганиш натижасида шунга амин бўлдики, концептуал ўлчовда ўрганилаётган лингвокультурологик тузилишда “Ватан - шахс туғилган (ўсган) жой” (ўзбек лингвокультурологиясида) ва “туғилган мамлакат” (инглиз лингвокультурологиясида) формулаларига асосланади. Қадрият ўлчовида масъулият туйғулари, ватанни ҳимоя қилиш истаги, уни энг яхши томондан тақдим этиш истаги энг диққатга сазовордир. “Ватан” тушунчасининг ана шу хусусиятлари ўрганилаётган тил маданиятларида мос келади. Этимологик жиҳатдан ўзбек лингвомаданиятида “ватан” арабий, “эл” ва “юрт” туркий илдизга эга ва “эл” ва “юрт” каби сўзлар асли туркий сўзлар бўлганлиги ва ўзбек тилининг мақоллари эса, қадим замондан фольклор дурдоналари ҳисобланиб, халқ оғзаки ижодидан кенг ўрин эгаллаганлиги сабабли, уларда “ватан” сўзига нисбатан “эл” ва “юрт” сўзлари иштирок этган мақоллар устунлик қилади.

Хулоса

Инглизлар учун “Ватан” сўзи унчалик муҳим аҳамиятга эга бўлмай, fatherland, homeland, motherland сўзлари тилда сунъий равишда мавжуд бўлиб, мақолларда бу сўзларни деярли учратмаймиз. Инглизларнинг маданияти учун “Ватан” тушунчаси ўрнини “уй” тушунчаси эгаллаганлиги сабабли “homeland”,

“motherland” ёки “fatherland” лексемаларининг ўрнида “home” лексемаси учрайди.

Ҳар бир тилда “Ватан” концептига оид паремиялар ҳиссий мазмун даражаси, тақдим этилган лексик амалга оширишлар сони билан фарқ қилишига қарамай, улар барибир инсон ўз ҳаётини сақлаб қолиш учун қандай ахлоқ ва одоб идеалларга риоя қилиш, ватанга ҳурмат ва эҳтиромли муносабатда бўлиш кераклигига мисол бўла олади. Ундан ташқари, ҳар иккала халқнинг ўз миллий ўзлигини англаш моҳиятини намоён этади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Баранов Х.К. *Арабско-русский словарь. “Русский язык”.* Москва. 1976.
2. *Большой русско-английский словарь / Под общ. рук. А. И. Смирницкого.* М., 2001.
3. Косогова Л. И., Стам И. С. *Русско-английский учебный словарь.* М., 2005.
4. *Новый русско-английский словарь / Сост. В. К. Мюллер.* М., 2005
5. Раҳматуллаев Ш. *Ўзбек тилининг этимологик лугати (арабий сўзлар) ва (туркий сўзлар).* 2-жилдли. Тошкент. «Университети. 2000.
6. *Ўзбек тилининг изоҳли лугати. Икки жилдли. З.М.Маъруфов таҳрири остида.* Москва. “Рус тили” наشريёти. 1981.
7. *Ўзбек тилининг изоҳли лугати. Беш жилдли. А.Мадвалиев таҳрири остида.* Тошкент. “Ўзбекситон миллий энциклопедияси” Давлат илмий наشريёти. 2006-2008.
8. *Ўзбек халқ мақоллари. Иккинчи нашр. ЎзССР Давлат бадий адабиёт ашриёти.* Тошкент. 1960.
9. *Ўзбек халқ мақоллари. Тошкент. Гофур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат наشريёти.* 1969.
10. *O‘zbek xalq maqollari. Tuzuvchilar: T. Mirzaev, A. Musoqulov, B. Sarimsoqov. Mas’ul muharrir. Sh. Turdimatov. Toshkent. «Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik korxonasi Bosh tahririyati, 2005.*

11. *Active Study Dictionary of English*. L.: Longman, 1983.
12. *Chambers Dictionary of Synonyms and Antonyms*. Edinburgh: W&R Chambers Limited, 1993.
13. *Cambridge Dictionary*. [Electronic resource] / URL: <https://dictionary.cambridge.org/dictionary/english/motherland>
14. *Collins English Dictionary and Thesaurus*. Aylesbury: HarperCollins Publishers, 2000.
15. *Collins Cobuild English Dictionary*. L.: Harper-Collins Publishers, 1995.
16. *Dictionary of English Language and Culture*. Edinburgh: Pearson Education Limited, 2005.
17. *Macmillan English Dictionary for Advanced Learners*. Macmillan Publishers Limited, 2002.
18. *Longman Dictionary of American English*. NY: Longman, 1997.
19. *Longman Advanced American Dictionary*. Edingburgh Gate, Harlow: Pearson Education Ltd., 2000.
20. *(The) American Heritage Dictionary of English Language*. Houghton Mifflin Company, 1992. (Electronic version).
21. *The Oxford Russian Dictionary*. Oxford-NY: Oxford UP, 1997.
22. *Webster's Third New International Dictionary of the English Language Unabridged*. Cologne: Könenmann, 1993.
23. *Webster's New World Dictionary of the English Language*. NY: Simon & Schuster, 1995.